

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ДSc.04/30.12.2019.Тиб.29.01
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ШАХИЗИРОВА ИРОДА ДЖАББАРОВНА

**COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАР СОҒЛИҒИНИ
ТЕКШИРИШ, ТИББИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ЁРДАМНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.09 – Педиатрия

14.00.33 – Ҷамоат саломатлиги, соғлиқни сақлаш менежменти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ
(DSc)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

TOSHKENT -2024

УЎК: 618.36: 616.98-036-07: 616.832-005.4: 616-053

Фан доктори (DSc) диссертасияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Шахизирова Ирода Жаббаровна

COVID-19 билан касалланган болалар

соғлиғини текшириш, тиббий ва

ижтимоий ёрдамни оптималлаштириш.....5

Шахизирова Ирода Джаббаровна

Оценка здоровья детей, перенесших

COVID-19 и оптимизация

медико-социальной помощи36

Shakhizirova Iroda Jabbarovna

Assessing the health of children who have

had COVID-19 and optimizing medical and social care68

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 76

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ДSc.04/30.12.2019.Ти6.29.01
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ШАХИЗИРОВА ИРОДА ДЖАББАРОВНА

**COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАР СОҒЛИҒИНИ
ТЕКШИРИШ, ТИББИЙ ВА ИЖТИМОЙ ЁРДАМНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.09 – Педиатрия

14.00.33 – Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлаш менежменти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (ДSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2024

Фан доктори (DSc) диссертасияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновасиялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4. DSc/Tib752 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш марказида бажарилган.

Диссертасия автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Агзамова Шоира Абдусаламовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Акилов Хабибулла Атауллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафина Асия Ильдусовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

Ризаев Жасур Алимджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамансурова Эльмира Амануллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Тиб.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14:

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Т.А.Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Д.И. Аҳмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси тиббиёт фанлари

доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. COVID-19 инфекциясидан кейинги ҳолат бўйича Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) қуйидаги таъриф қабул қилинган консенсусни ишлаб чиқди: "... COVID-19 дан кейинги ҳолат (post-COVID-19 condition, PCC) COVID-19 дан кейин ривожланадиган, 2 ёки undan кўпроқ ой давом этадиган (яъни касаллик бошланганидан бери 3 ой) аломатлар билан намоён бўлади ва муқобил ташхис билан изоҳлаб бўлмайди".¹ 2020-йилда 10-мартда қайта кўриб чиқилган Касалликлар халқаро таснифига (КХТ-10) ПКС (post- COVID-19 condition, PCC) киритилган бўлиб, унинг ташқи белгилари кўкрак қафасидаги оғриқ, нафас қисиши, тахикардия ва жисмоний юкламаларга чидамлилиқ пастлиги билан тавсифланади.² Бугунги кунда ковиддан кейинги асоратлар сонининг кўпайиши, клиник кечиш хусусиятлари ва болаларни даволашда ягона стандартларнинг йўқлиги ушбу нозология бўйича илмий изланишлар олиб боришни талаб қилади. Ковиддан кейинги даврда болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш етарли даражада ишлаб чиқилмаган, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини даражасида кўп камчиликларга эга.

Дунёда болалар ва ўсмирларда постковид синдром (ПКС) ривожланишининг клиник-патогенетик жиҳатларини ўрганиш, уни ташхислаш ва даволаш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. ПКСда ўнлаб турли хил аломатлар аниқланади ва аломатлар барча аъзолар ва тизимларда намоён бўлади, аммо ПКС фенотипларини аниқлаш учун маълумотлар ҳали ҳам етарли эмас. Шу жиҳатдан болаларда ПКС ривожланишига таъсир қилувчи омилларни, клиник аломатларнинг ўзига ҳос хусусиятларини, яллиғланиш маркерларининг ҳолатини, витаминлар миқдори кўрсаткичларини аниқлаш, уларнинг ўзаро алоқасини билиш, даволаш ва олдини олишда нисбатан шахсийлаштирилган ёндашувни ишлаб чиқиш ва ковиддан кейинги асоратларнинг олдини олиш бўйича тавсияларни ўз ичига олган тиббий-ижтимоий ёрдамни оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш муҳим аҳамиятга эга ва ниҳоятда долзарб ҳисобланади.

Айни пайтда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт тизимини касалликларни ерта ташхислаш, даволаш ва профилактика қилиш бўйича жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги поғонага кўтариш мақсадида муҳим вазифалар белгиланди: "... тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис кўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий етиш, патронаж

¹ <https://www.who.int/europe/ru/news/item/22-05-2023-lessons-learned-from-covid-19--how-did-the-pandemic-affect-children-s-health-and-habits>

² World Health Organization. Emergency use ICD codes for COVID-19 disease outbreak. Accessed May, 10, 2021. <https://www.who.int/standards/classifications/classification-of-diseases/emergency-use-icd-codes-for-covid-19-disease-outbreak>

хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш".³

Бундан келиб чиққан ҳолда, патологик жараён кечишининг клиник хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, болаларда ПКС нинг тузилишини ҳамда уларнинг юзага келиши ва ривожланишида тиббий-ижтимоий омилларнинг ўрнини аниқлаш, ПКСнинг олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ковиддан кейинги асоратлар ва ногиронликни камайтириш мақсадида замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳисобига ҳозирги давр тиббий хизматларининг савиясини янада юқорироқ даражага кўтариш зарур ва муҳимдир.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида" 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон фармонларида ва "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида" 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон фармонларида, "Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021-йил 29-июлдаги ПҚ-5199-сон қарорларида, "Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида" 2019-йил 8-ноябрдаги ПҚ-4513-сон қарорларида, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.⁴ Илм-фан оламида олиб борилаётган тадқиқотлар болалар ва ўсмирларда ПКСни ташхислаш ва даволашга ёндашувларни ишлаб чиқишга ва оптималлаштиришга қаратилган. Ушбу тадқиқотлар Boston University Medical Center (AQSh); Cincinnati Children's Hospital Medical Center; Department of Clinical Medicine, Trinity Centre for Health Sciences, St. James's Hospital, Dublin, (Irlandiya); Blizzard Institute, Barts and The London School of Medicine and Dentistry, Queen Mary University of London (Буюк Британия); Department of Medicine, University of Calgary (Канада); Department of General and Experimental Pathology, University of Vienna (Австрия), Department of Public Health Sciences (AQSh); Medical Research Council (Буюк Британия), Бошқирдистон Давлат тиббиёт университети (Россия), Болалар саломатлигини ўрганиш бўйича Миллий тиббиёт илмий маркази (Россия), Академик Ю.Е.Велтишчев

³ Указ Президента Республики Узбекистан: №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

⁴ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: <http://oxford.university-guides.com>, www.washington.edu, <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> и из других источников.

номидаги Педиатрия ва болалар хирургияси илмий-тадқиқот клиник институти (Россия); Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (Ўзбекистон) каби жаҳоннинг етакчи марказлари ва олий таълим муассасаларида ўтказилмоқда.

Болалар ва ўсмирларда ПКСнинг ривожланишини баҳолаш борасида ўтказилган илмий изланишлар натижасида бир қатор ютуқларга эришилди, шу жумладан: ПКС патогенезида митохондриял дисфункция, энергия танқислиги, оксидланиш стресси, эндотелиал дисфункция, иммунитет дисрегуляцияси муҳим ўрин тутиши, энергия алмашинувида муҳим аҳамиятга эга бўлган L-карнитинни қўллаш яхши натижа бериши илмий жиҳатдан асосланди (Boston University Medical Center, АҚШ); болалар ва ўсмирларнинг соматик статусини ўрганишда болалардаги ПКС ўзига хос хусусиятларга эгаллиги, буни уларга тиббий ёрдам кўрсатишда ва реабилитация чораларини тайинлашда ҳисобга олиш зарурлиги исботланди (Cincinnati Children's Hospital Medical Center, Ирландия); ПКС болалар орасида кенг тарқалганлиги тасдиқланди, шу билан бирга неврологик ва гастроентестинал аломатлар аниқланди, буни эса COVID-19 касаллигини бошдан кечирган болаларни диспансеризациядан ўтказиш пайтида ҳисобга олиш зарур (Бошқирдистон Давлат тиббиёт университети, Уфа ш., Россия); юрак-қон томир, асаб ва ошқозон-ичак тизимлари томонидан бузилишлар болалар ва ўсмирларда бошдан кечирилган ковид касаллигидан кейин 4 ойдан ортиқ сақланиб қолиши аниқланди (Болалар саломатлигини ўрганиш бўйича Миллий тиббиёт илмий маркази, Россия); Дунё бўйича олинган маълумотлар COVID-19 касаллигини бошдан кечирган болаларнинг соғлигини баҳолаш ва тиббий-ижтимоий ёрдамни ковиддан кейинги асоратларнинг олдини олувчи тавсияларни қўшган ҳолда оптималлаштириш долзарб муаммо эканлигидан далолат беради.

Дунёда бола ёшидаги аҳоли орасида ПКС ривожланишини, уни ерта ташхислашни, даволашни, олдини олиш ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш усулларини ўрганиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Болаларда постковид синдромнинг таркибий тузилишини ҳамда уларнинг юзага келиши ва ривожланишида тиббий-ижтимоий омилларнинг аҳамиятини аниқлаш, болаларни постковид даврда парваришlashга нисбатан унинг асоратларини ва ногиронликни камайтиришга қаратилган клиник ва ташкилий ёндашувларни ишлаб чиқиш бугунги кунда устувор йўналишдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бутун дунёда янги коронавирус касаллиги (COVID-19) ва унинг асоратларининг патогенези ва клиник кечиши тадқиқ қилинмоқда. Бир вақтнинг ўзида даволаш ва олдини олишнинг турли хил усуллари синовдан ўтказилмоқда. Бу ишларнинг барчаси ўлим ҳолатларини камайтиришга, касаллик кечиши ва ПКС оғирлигини енгиллатишга қаратилган (Zhang J, Dong X, Cao Y, et al., 2020; Sansone F, Pellegrino GM, Caronni A, et al., 2023). Гарчи болалар янги вирус билан катталарга қараганда камроқ ва енгилроқ касалланса-да, COVID-19 пандемияси уларнинг таълим олишига, турмуш тарзига ва саломатлигига жиддий таъсир кўрсатади. COVID-19 касаллигининг инсон организмига таъсири тўғрисида статистик маълумотлар тўпланиши баробарида олимлар

янги коронавирус инфекциясини нафақат нафас олиш тизимига, балки юрак-кон томир, ошқозон-ичак, қон ҳосил қилиш ва иммунитет тизимларига ҳам таъсир қилувчи тизимли касаллик сифатида баҳоламоқдалар (Say D, Crawford N, 2021; Bogariu A.M., Dumitrascu D.L., 2022). «post-COVID-19» атамаси янги COVID-19 коронавирус инфекциясининг узоқ муддатли оқибатларини, шу жумладан COVID-19дан кейин ривожланадиган ёки давом этадиган аломатлар тўпламини билдириш учун ишлатилади (Cocciolillo F., Di Giuda D., Morello R. et al., 2022; Vogel J.M., Topol E.J., 2023). ПКСда овқат ҳазм қилиш аъзолари зарарланишининг турғун сурункали яллиғланиш, аъзолар шикастланиши оқибатлари, узоқ муддат касалхонада ётиш, ижтимоий яққаланиш ва бошқа сабаблар билан боғлиқ аломатлари турғун хусусият касб этиши мумкин бўлиб, тиббиётнинг турли соҳалари биргаликда ёндашишини талаб қилади (Акса UK, Kesici S. et al., 2020; Hicks SD., 2023).

МДХ давлатларида ҳозирги даврда ҳаёт кечириш сифати, иқтисодиёт ва умуман ижтимоий соғлиқни сақлаш учун вайрон қилувчи жиддий оқибатларга ега узоқ давом этадиган COVID-19 муаммоси катта аҳамият касб этади (Баликова Л.А. ва ҳаммуаллифлар, 2022; Белих Н.А., Соловёва О.А., Аникеева Н.А., 2024). Болаларда ПКС ходисасини ўрганиш юзасидан ўтказилган тадқиқот бир қатор хусусиятларни аниқлади. SARS-CoV-2 касаллигини енгил ёки ташқи белгиларсиз шаклда бошдан кечирган 300 бола ва ўсмир орасидан соғайган 70 фоизда 6 ойдан кейин ПКС аниқланган. Кўпроқ учрайдиган аломатлар тана вазнини йўқотиш, толиқиш ва бемадорлик, ўткир респиратор вирусли инфекциялар (ЎРВИ), конъюнктивит, сурункали тонзиллит зўрайиши, терида тошмалар тошиши бўлди (Кожевникова О.В. ва ҳаммуаллифлар, 2021; Беляков Н.А. ва ҳаммуаллифлар 2021; Опарина А.Г. ва ҳаммуаллифлар 2022). Ҳозирги кунда болаларда ПКС ривожланишининг асосий сабабларидан бири организм иммунологик реактивлигининг ўзгаришидир. Атроф-муҳит ва ижтимоий жиҳатдан ноқулай шароитларда организм иммунобиологик қаршилигининг ёмонлашуви, иммунитет танқислигининг шаклланиши ўткир касалликларнинг тўлиқ даволанмаслигига, уларнинг узоқ муддатли ва сурункали шаклларга ўтиб кетишига, аллергия жараёнларининг авж олишига олиб келади (Аверьянов А.В., 2021). Айрим витаминларнинг етишмовчилиги, айниқса бирга қўшилган етишмовчиликлар иммунитет тизими фаолияти бузилишининг енг кўп учрайдиган сабабларидан биридир (Громова О.А., Торшин И.Ю., 2020; Ержанова Г.Е., 2022). Антибиотикларни қўллаш, шу жумладан стационарда COVID-19 ни даволаш учун тайинланадиган антибиотикларни қўллаш Б гуруҳи витаминлари етишмовчилигининг ривожланишини кучайтиради, тайинланадиган глюкокортикостероидлар эса организмда С витамини заҳираларини тугатади.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистонда болаларда ПКСни эрта ташхислаш ва даволаш бўйича бир қатор изланишлар олиб борилмоқда (Бобомуратов Т.А., Бакирова М.А., 2021; Ахмедова Д.И., Иноятова Ф.И., Тўйчиев Л.Н. ва ҳаммуаллифлар, 2023). Бобомуратов Т.А. ҳаммуаллифлар гуруҳи билан бирга (2021) болаларда коронавирус билан касалланишдан сўнгги микроэлементлар мувозанатини ўрганган. Исмаилова З.А. (2023) COVID-19 пандемияси даврида

болаларда буйракдаги асоратларни қиёсий баҳолашни амалга оширди ва цитокин профили, буйраклар функционал ҳолати кўрсаткичларидаги патогенез жиҳатидан аҳамиятга ега ўзгаришларни ушбу кўрсаткичлар ўртасида ўрнатилган ўзаро боғланганлик билан бирга аниқлади. Ражабов И.Б. (2024) болаларда COVID-19 оғир кечиши шаклланиши учун хавф омилларининг табақаланишини ва бундай беморларни парваришлаш тактикасини ўрганди. Натижада у турли ёш гуруҳларида COVID-19 оғир кечишидан далолат берувчи асосий лаборатория предикторларини аниқлади ҳамда болаларда ташхис қўйиш ва прогноз қилиш нуқтаи назаридан аҳамиятсиз қон кўрсаткичларини ажратди, бу еса иқтисодий сарф-харажатларни камайтиришда ёрдам беради. Хасанова Г.А. ва Хасанов С.М. (2024) COVID-19 билан касалланган болаларда тери яллиғланишини келтириб чиқариши мумкин бўлган вирусга қарши иммунитет жавобига алоқадор экзантемалар синдромининг хусусиятларини ўргандилар.

Бугунги кунда мавжуд бўлган маълумотлар ПКС вужудга келиши хавфининг асосий омилларини аниқлаш, даволаш мажмуини асослаш ҳамда ПКСнинг болаларда саломатликка ва яшаш сифатига кўрсатадиган узок муддатли таъсирини ўрганиш учун қўшимча тадқиқотлар ўтказиш заруратини тақозо қилади. Болаларга постковид даврда кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдам мамлакатимизда ўрганилмаган, COVID-19 касаллигини даволаш бўйича тавсиялар ва қўлланмалар ишлаб чиқилган. Бироқ уларни соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини даражасида кейинги парваришлаш тактикаси мавжуд эмас, бу эса ПКС асоратлари ривожланиши эҳтимоли бўлган даврда болалар организмнинг мослашиш қобилиятига ўз таъсирини кўрсатади. Шу муносабат билан ковид касаллигини бошдан ўтказган болаларни диспансер кузатувиغا олиш тактикасини ҳамда асоратлар ривожланишининг олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг “Касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг замонавий технологиялари” (2021-2025-йиллар) илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 касаллигини бошдан кечирган болаларнинг соғлиғини баҳолаш, постковид даврда клиник ва ташкилий ёндашувларни куланган ҳолда тиббий ва ижтимоий ёрдамни оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари.

турли ёш гуруҳларидаги болаларда COVID-19 касаллигининг содир бўлиш даражасини ва кечиш хусусиятларини аниқлаш;

патологик жараён кечилишининг клиник хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда болаларда ПКСнинг таркибий тузилишини ҳамда улар юзага келиши ва ривожланишида тиббий-ижтимоий омилларнинг тутган ўрнини аниқлаш;

болаларда неврологик, бронх-ўпка, юрак-қон томир ва гастроэнтерологик тизимларнинг ҳолатини комплекс яхлитланган ҳолда баҳолаш;

болаларда ПКС ривожланишида макро- ва микроэлементлар, витаминлар, гистамин ва цитокинларнинг диаминооксидаза ролини баҳолаш;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини шароитида болаларга ПК даврида кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдамни баҳолаш;

болаларни ПК даврида асоратлар ва ногиронликни камайтиришга қаратилган клиник ва ташкилий ёндашувларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 1 ёшдан 17 ёшгача бўлган, COVID-19 тасдиқланган болаларнинг 593 та тиббий картасларининг ретроспектив тадқиқот натижалари бўлиб, проспектив тадқиқотга COVID-19 вирусли инфекциясини бошдан кечирганидан сўнг 12 ҳафта ўтгач поликлиникага мурожаат қилган 253 нафар бола жалб этилган.

Тадқиқот предмети сифатида постковид синдромнинг клиник кечиши вена қони зардоби, вена қони.

Тадқиқот усуллари: Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган муаммоларни ҳал қилиш учун умумклиник, функционал, биокимёвий, микробиологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

постковид бузилишлар болаларда, уларнинг ёши ва бошдан кечирилган ковид инфекциясининг оғирлиги даражасидан қатъий назар, кўпроқ касалликдан сўнг уч ой ўтгач намоён бўлиши, уларнинг орасида асосийлари психоневрологик (54,8%; RR=4,6, p<0,05), гастроинтестинал (36,8%; RR=3,7, p<0,05), кардиал (32,5%) ва респиратор (31,5%) бузилишлар эканлиги; мия астроцитлари ва ошқозон-ичак тракти эпителий ҳужайраларига SARS-CoV-2 нинг тўғридан-тўғри таъсири натижасида 8-9 ой ўтганидан сўнг психоневрологик бузилишлар сақланиб қолиши ва гастроинтестинал бузилишлар кучайиши исботланган;

постковид синдром, болаларда Д витаминининг танқислиги ($\chi^2=10,56$; p=0,002), аскорбин кислотаси ($\chi^2=8,95$; p=0,018) ва пиридоксин В6 ($\chi^2=9,65$; p=0,003) етишмовчилиги, темир миқдорининг камлиги ($\chi^2=8,3$; p =0,019), гипофосфатемия ($\chi^2=6,56$; p=0,021), гипокалиемия ($\chi^2=5,68$; p =0,038) ва гипомагниемия ($\chi^2=5,42$; p=0,039) шароитида тизимли яллиғланиш жавоб синдромининг ривожланиши туфайли С-реактив оксиди кўрсаткичларининг (RR=3,1; p<0,05) ва ТНФ- α (ўсма некрози омили) даражасининг юқори бўлиши ва IL-10 нинг эса, камайганлиги (RR=2,4; p<0,05) билан бирга кечиши исботланган;

бош мия микроциркуляциясининг бузилиши ва нейронлардаги дегенератив ўзгаришлар туфайли болалардаги постковид синдромининг психоневрологик тури симпатикотония устун бўлган вегетатив дисфункция шароитида цефалгия (RR=4,7; p<0,05), церебростения (RR =2,5; p<0,05), ҳис-туйғу ва феъл-атвор бузилишлари (RR=3,7; p<0,05) билан; кардиомиоцитларнинг миоцитолизи, гипоксия и апоптози натижасида

электрокардиограммада нотўлик блокада (OR=11,25), экстрасистолия (OR=22,3), чап қоринча гипертрофияси (OR=4,2), реполяризация жараёнининг бузилиши (OR=2,7), шунингдек, эхокардиографияда чап қоринча чекка-диастолик ўлчамининг(КДР) ошган кўрсаткичлари билан кардиал тури тавсифланиши исботланган;

постковид синдромининг респиратор варианты организм резистентлигининг пасайиши фонида ташқи нафас олиш функциясининг рестриктив турига хос бузилиши 58,4% (RR=2,5; $p<0,05$) холларда учраши; мальабсорбция синдромининг ривожланиши натижасида постковид синдромининг гастроинтестинал турининг кечиши эса болаларда ичаклар дисбиозининг ифодаланиш кучига боғлиқ, ҳамда Д, С ва В6 витаминларининг қондаги даражаси билан аниқ алоқадорликка эга бўлган қондаги диаминооксидаза даражасининг яққол пасайиши ($\chi^2=18,9$; $p=0,0011$) ҳамда параллел равишда гистамин миқдорининг юқорига кўтарилиши ($\chi^2=4,59$; $p=0,048$) билан бирга келиши исботланган;

клиник аудит натижалари бўйича оилавий шифокорлар ва педиатрларнинг 59,7% болаларда постковид синдромини ташхислаш ва реабилитация қилиш бўйича билимлар даражаси етарли эмаслиги, ота-оналарнинг болалардаги постковид синдроми ҳақида хабардорлиги паст 54,8% бўлиши сабабли болаларда постковид синдромини эрта ташхислаш 41% ва мазкур синдром ривожланишининг олдини олиш учун ўтказилган профилактика чоралари сонининг 61,5% камайиши исботланган;

ПКСни ташхислаш ва реабилитация қилиш тартиб-қоидалари бўйича ишлаб чиқилган клиник ва ташкилий чоралар мажмуи самарали бўлиб, физиотерапия, даволовчи жисмоний тарбия ва даволовчи уқалаш хоналарида ташкил этилган тиббий реабилитациядан ўтган болалар сонининг 1,5 баробар кўпайишига, тегишли билимларга эга ота-оналарнинг оилаларини чуқурлаштирилган диспансеризация билан қамраб олиш 90,4 фоизга ошишига ҳамда болалар ва уларнинг оилаларига тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатларининг улуши 35,8 фоизга ортишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёшга қараб болаларда ПКС учраш даражаси ва кечиш хусусиятлари асосланган;

болаларда ПКСда психоневрологик, юрак-қон томир, ўпка ва ошқозон-ичак касалликларининг клиник ва функционал маркерлари макро- ва микроэлементозлар, гиповитаминозлар ва цитокинли дисбаланс билан боғлиқ ҳолда асосланган;

ПК даврида соғлиқнинг ёмонлашувини аниқлаш учун нафақат клиник жиҳатдан аниқ намоён бўлган ковид инфекциясини бошидан кечирган болаларда, балки касаллик унча билинмай кечган шахсларда ҳам, шунингдек, ота-оналарнинг ПКС бўлган болаларни реабилитация қилиш тадбирларида фаол иштирок этишга йўналтиришда ҳам скрининг сўровномаларининг самарадорлиги (ёш болалар учун сўровномаларнинг сезгирлиги ва ўзига хослиги, мос равишда $Se = 82,7\%$, $Sp = 43,6\%$; мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун эса - $Se = 89,2\%$, $Sp = 45,4\%$) асосланган;

бирламчи соғлиқни сақлаш бўғини шароитида ковид инфекциясини бошдан кечирган болаларни тиббий қўллаб-қувватлаш(йўналтириш) бўйича замонавий технологияларини ишлаб чиқилганлиги асосланган;

болаларда ПКСнинг олдини олиш ва реабилитация дастури аниқланган ПК касалликларини ўз вақтида даволаш ва қайта касалхонага ётқизиш даражасини 2,5 барабар камайтириш имконини берганлиги асосланган;

тиббий-ижтимоий ёрдам сифатини назорат қилиш учун педиатрия амалиётида клиник аудит ўтказиш зарурати асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий усул ва ёндашувлардан фойдаланиш, назарий маълумотларнинг олинган натижаларга мувофиқлиги, тадқиқотнинг услубий аниқлиги, умумий клиник, биокимёвий ва клиник кўрсаткичларга асосланган беморлар сонининг етарлилиги билан тасдиқланади, статистик тадқиқот усуллари, тадқиқот натижаларини халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослаш, тузилган хулосалар ва олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти клиник-анамнестик, функционал, микробиологик, биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар асосида COVID-19 дан кейинги даврда ПКС ни эрта ташхислаш ва прогноз қилиш мезонларини аниқлаш учун илмий асосланган натижалар олинганлиги ва COVID-19 билан касалланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тактикаси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти ПКСни ривожланиш хавфи юқори бўлган болаларни эрта аниқлашда скрининг сўровномаларининг самарадорлиги, тиббий қўллаб-қувватлаш (йўналтириш) бўйича замонавий технологияси ва болаларда ПКСнинг олдини олиш ва реабилитация дастури ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

COVID-19 касаллигини бошдан кечирган болаларнинг соғлиғини баҳолаш, тиббий ва ижтимоий ёрдамни, шу жумладан, постковид даврда болаларни олиб боришда клиник ва ташкилий ёндашувларни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: постковид бузилишлар болаларда, уларнинг ёши ва бошдан кечирилган ковид инфекциясининг оғирлиги даражасидан қатъий назар, кўпроқ касалликдан сўнг уч ой ўтгач намоён бўлиши, уларнинг орасида асосийлари психоневрологик (54,8%; RR=4,6, p<0,05), гастроинтестинал (36,8%; RR=3,7, p<0,05), кардиал (32,5%) ва респиратор (31,5%) бузилишлар эканлиги; мия астроцитлари ва ошқозон-ичак тракти эпителий ҳужайраларига SARS-CoV-2 нинг тўғридан-тўғри таъсири натижасида 8-9 ой ўтганидан сўнг психоневрологик бузилишлар сақланиб қолиши ва гастроинтестинал бузилишлар кучайиши исботланганлиги Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 29.09.2023 й. 7n-r/ 44-сон йиғилишида тасдиқланган. “Болаларда постковид синдроми диагностикаси алгоритми” услубий тавсияларига ҳамда

“Болаларда ковиддан кейинги даврда юрак-қон томир тизими мослашувининг бузилишларини эрта ташхислаш дастури”, DGU-29154 компьютер дастурига киритилган. Ушбу таклифлар Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси (1-оилавий поликлиника ва 2-оилавий поликлиника)нинг 2023-йил 03 сентябрдаги 115-сонли, Юнусобод тумани 52-сон (2023-йил 10-октябрдаги 172-сон буйруғи) ва 54-сон оилавий поликлиникаларининг амалиётига (2023-йил 9-октябрдаги 162-сон буйруғи билан) жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техника кенгашининг 2024-йил 15-июлдаги 03/29-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** постковид бузилишларнинг шаклланиши ва ривожланиши хавфи юқори бўлган болаларни эрта аниқлаш учун тавсия этилган диагностика болалар ўлимини ва ковид инфекциясидан кейин ногиронликни камайтиришга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** болаларни тиббий қўллаб-қувватлаш (йўналтириш) бўйича замонавий технологияси ва скрининг сўровномалари клиник амалиётга жорий этиш, 253 та COVID-19 ни бошидан ўтказган болалар ичида 166 тасида постковид синдромини эрта ташхислаш имконини бериб, бу эса, постковид синдроми билан касалланган болаларни қайта касалхонага ётқизиш частотасини 2,5 баробарга қисқартиришни таъминлади ва ҳар бир беморнинг стационарда ётқизилган 10 кунда ўртача 575330 сўм, 166 нафар беморнинг йиллик иқтисодий кўрсаткичи 95504780 сўмни ташкил этган. **Хулоса:** бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига таклиф этилган маршрут схемаси ва скрининг сўровномалари болаларда постковид синдромини эрта аниқлаш сифатини оширди ва ҳар бир беморнинг 10 кунлик касалхонада бўлиши учун 575330 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: постковид синдром, болаларда Д витаминининг танқислиги ($\chi^2=10,56$; $p=0,002$), аскорбин кислотаси ($\chi^2=8,95$; $p=0,018$) ва пиридоксин В6 ($\chi^2=9,65$; $p=0,003$) етишмовчилиги, темир микдорининг камлиги ($\chi^2=8,3$; $p=0,019$), гипофосфатемия ($\chi^2=6,56$; $p=0,021$), гипокалиемия ($\chi^2=5,68$; $p=0,038$) ва гипوماгниеия ($\chi^2=5,42$; $p=0,039$) шароитида тизимли яллиғланиш жавоб синдромининг ривожланиши туфайли С-реактив оқсили кўрсаткичларининг ($RR=3,1$; $p<0,05$) ва ТНФ- α (ўсма некрози омили) даражасининг юқори бўлиши ва IL-10 нинг эса, камайганлиги ($RR=2,4$; $p<0,05$) билан бирга кечиши исботланганлиги Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 29.09.2023 й. 7н-г/ 44-сон йиғилишида тасдиқланган « Болаларда постковид синдроми диагностикаси алгоритми» услубий тавсияларига ҳамда «Болаларда COVID-19дан кейинги даврда юрак-гон томир тизими мослашувининг бузилишларини эрта ташхислаш дастури», DGU-29154, «Болаларда COVID-19дан кейинги даврда гастроэнтерологик тизимнинг ҳолатини ташхислаш дастури» DGU -33807 компьютер дастурларига киритилган. Ушбу таклифлар Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси (1-оилавий поликлиника ва 2-оилавий поликлиника)нинг 2023-йил 03-сентябрдаги 115-сонли, Юнусобод тумани 52-сон (2023-йил 10-октябрдаги 172-сон буйруғи) ва 54-сон оилавий поликлиникаларининг амалиётига (2023-йил 09-октябрдаги

162-сон буйруғи билан) жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техника кенгашининг 2024-йил 15-июлдаги 03/29-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** постковид синдроми билан оғриган болалар гуруҳида диагностика белгиларини аниқлаш реабилитация чора-тадбирларига болаларда постковид синдромини даволашнинг дори-дармонсиз ва дорили усулларини киритиш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** инвазив диагностиканинг биокимёвий ва иммунологик усуллари аниқ кўрсатилган, бу эса бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг моддий харажатларини 50 фоизга қисқартиришга, яъни 166 нафар болага йилига 32785000 сўмни иқтисод қилишга олиб келган. **Хулоса:** болаларда постковид синдроми диагностикаси жараёнларини оптималлаштириш ҳар бир бемор учун 197500 сўмни тежаш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: бош мия микроциркуляциясининг бузилиши ва нейронлардаги дегенератив ўзгаришлар туфайли болалардаги постковид синдромининг психоневрологик тури симпатикотония устун бўлган вегетатив дисфункция шароитида цефалгия (RR=4,7; p<0,05), церебростения (RR =2,5; p<0,05), ҳис-туйғу ва феъл-атвор бузилишлари (RR=3,7; p<0,05) билан; кардиомиоцитларнинг миоцитолизи, гипоксия и апоптози натижасида электрокардиограммада нотўлиқ блокада (OR=11,25), экстрасистолия (OR=22,3), чап қоринча гипертрофияси (OR=4,2), реполяризация жараёнининг бузилиши (OR=2,7), шунингдек, эхокардиографияда чап қоринча чекка-диастолик ўлчамининг(КДР) ошган кўрсаткичлари билан кардиал тури тавсифланиши исботланганлиги ТХКМРМ Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 29.09.2023 й. 7п-г/44-сон йиғилишида тасдиқланган “Болаларда ПКСни ташхислаш алгоритми” услубий тавсияларига ҳамда “Болаларда COVID-19дан кейинги даврда юрак-гон томир тизими мослашувининг бузилишларини эрта ташхислаш дастури”, DGU-29154, «Болаларда COVID-19дан кейинги даврда гастроэнтерологик тизимнинг ҳолатини ташхислаш дастури» DGU -33807 компьютер дастурларига киритилган. Ушбу таклифлар Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси (1-оилавий поликлиника ва 2-оилавий поликлиника)нинг 2023-йил 03-сентябрдаги 115-сонли, Юнусобод тумани 52-сон (2023-йил 10-октябрдаги 172-сон буйруғи) ва 54-сон оилавий поликлиникаларининг амалиётига (2023-йил 09-октябрдаги 162-сон буйруғи билан) жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техника кенгашининг 2024-йил 15-июлдаги 03/29-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** макро - ва микроэлементозлар, гиповитаминозлар, ситокинларнинг номутаносиблиги билан боғлиқ бўлган болаларда ПКСнинг психоневрологик, кардиал турларини клиник ва функционал маркерлари постковид бузилишларнинг диагностика ва реабилитация чоралари сифатини яхшилашга имкон беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** 86 нафар болада амбулатор шароитда постковид синдромини дори-дармонсиз ва доривор усуллар билан даволашнинг ишлаб чиқилган реабилитация тадбирлари мажмуасини ўтказиш беморларни стационардаги 10 куни учун 49478380 сўм маблағни тежаш

имконини берган. **Хулоса:** бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида постковид синдроми билан касалланган болаларни реабилитация қилиш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирлар комплекси касалланган болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш сифатини оширди ҳамда 10 кунлик стационарда ётиш шарти бўлмаган ҳар бир бемор учун 575330 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: постковид синдромининг респиратор варианты организм резистентлигининг пасайиши фонида ташқи нафас олиш функциясининг рестриктив турига хос бузилиши 58,4% (RR=2,5; p<0,05) ҳолларда учраши; мальабсорбция синдромининг ривожланиши натижасида постковид синдромининг гастроинтестинал турининг кечиши эса болаларда ичаклар дисбиозининг ифодаланиш кучига боғлиқ, ҳамда Д, С ва В6 витаминларининг қондаги даражаси билан аниқ алоқадорликка эга бўлган қондаги диаминооксидаза даражасининг яққол пасайиши ($\chi^2=18,9$; p=0,0011) ҳамда параллел равишда гистамин миқдорининг юқорига кўтарилиши ($\chi^2=4,59$; p=0,048) билан бирга келиши исботланганлиги ТХКМРМ Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 29.09.2023 й. 7n-r/ 44-сон йиғилишида тасдиқланган. «Болаларда постковид синдромини даволаш ва олдини олиш усуллари» услубий тавсияларига ва «Болаларда COVID-19дан кейинги даврда гастроэнтерологик тизимнинг ҳолатини ташхислаш дастури» DGU-33807 компьютер дастурларига киритилган. Ушбу таклифлар Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси (1-оилавий поликлиника ва 2-оилавий поликлиника)нинг 2023-йил 03-сентябрдаги 115-сонли, Юнусобод тумани 52-сон (2023-йил 10-октябрдаги 172-сон буйруғи) ва 54-сон оилавий поликлиникаларининг амалиётига (2023-йил 09-октябрдаги 162-сон буйруғи билан) жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техника кенгашининг 2024-йил 15-июлдаги 03/29-сонли хулосаси).

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: диаминооксидаза ва гистамин, макро - ва микроэлементозлар, гиповитаминоз, цитокин номутаносиблиги даражалари билан боғлиқ ҳолда болаларда ПКСнинг гастроинтестинал ва респиратор вариантларини клиник ва функционал маркерлари постковид бузилишларнинг диагностика ва реабилитация чоралари сифатини яхшилашга имкон беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: 86 нафар болада амбулатор шароитда постковид синдромини дори-дармонсиз ва доривор усуллар билан даволашнинг ишлаб чиқилган реабилитация тадбирлари мажмуасини ўтказиш беморларни стационардаги 10 куни учун 49478380 сўм маблағни тежаш имконини берган.

Хулоса: бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида постковид синдроми билан касалланган болаларни реабилитация қилиш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирлар комплекси касалланган болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш сифатини оширди ҳамда 10 кунлик стационарда ётиш шарти бўлмаган ҳар бир бемор учун 575330 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берган;

бешинчи илмий янгилик: клиник аудит натижалари бўйича оилавий шифокорлар ва педиатрларнинг 59,7% болаларда постковид синдромини

ташхислаш ва реабилитация қилиш бўйича билимлар даражаси етарли эмаслиги, ота-оналарнинг болалардаги постковид синдроми ҳақида хабардорлиги паст 54,8% бўлиши сабабли болаларда постковид синдромини эрта ташхислаш 41% ва мазкур синдром ривожланишининг олдини олиш учун ўтказилган профилактика чоралари сонининг 61,5% камайиши исботланганлиги ТХКМРМ Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 29.09.2023 й. 7п-г/44-сон йиғилишида тасдиқланган “Болаларда постковид синдромини даволаш ва олдини олиш усули” услубий тавсияларига киритилган. Ушбу таклифлар Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси (1-оилавий поликлиника ва 2-оилавий поликлиника)нинг 2023-йил 03-сентябрдаги 115-сонли, Юнусобод тумани 52-сон (2023-йил 10-октябрдаги 172-сон буйруғи) ва 54-сон оилавий поликлиникаларининг амалиётига (2023-йил 09-октябрдаги 162-сон буйруғи билан) жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техника кенгашининг 2024-йил 15-июлдаги 03/29-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** шифокорлар учун 4 та ўқув семинарлари ташкил этилди ва ўтказилди, ҳамда COVID-19 инфекциясидан кейин болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш (маршрутлаш) схемасини скрининг сўровномалари билан биргаликда клиник амалиётга жорий этиш болалар аҳолисига амбулатория хизмати кўрсатишни яхшилайти. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** COVID-19 инфекциясини бошидан ўтказган 253 нафар боладан 166 нафарида ПКСни эрта диагностикаси бу болаларни қайта касалхонага ётқизиш частотасини 2,5 бараварга камайитини ва 166 нафар беморга бир йилда 95504780 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** амбулатория шароитида шифокорлар учун ўқув семинарлари, маршрут схемалари ва скрининг сўровномалари жорий этилиши болаларда ПКСни эрта аниқлаш сифатини ва шунга мос равишда амалга оширилган реабилитация тадбирлари ҳажминини оширди, бу эса стационарда 10 кун бўлмаганда 1 беморга 575330 сўм тежаш имконини берди.

олтинчи илмий янгилик: ПКСни ташхислаш ва реабилитация қилиш тартиб-қоидалари бўйича ишлаб чиқилган клиник ва ташкилий чоралар мажмуи самарали бўлиб, физиотерапия, даволовчи жисмоний тарбия ва даволовчи уқалаш хоналарида ташкил этилган тиббий реабилитациядан ўтган болалар сонининг 1,5 баробар кўпайишига, тегишли билимларга эга ота-оналарнинг оилаларини чуқурлаштирилган диспансеризация билан қамраб олиш 90,4 фоизга ошишига ҳамда болалар ва уларнинг оилаларига тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатларининг улуши 35,8 фоизга ортишига олиб келиши исботланганлиги ТХКМРМ Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 29.09.2023 й. 7п-г/ 44-сон йиғилишида тасдиқланган “Болаларда ПКСни даволаш ва олдини олиш усули” услубий тавсияларига киритилган. Ушбу таклифлар Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси (1-оилавий поликлиника ва 2-оилавий поликлиника)нинг 2023-йил 03-сентябрдаги 115-сонли, Юнусобод тумани 52-сон (2023-йил 10-октябрдаги 172-сон буйруғи) ва 54-сон оилавий поликлиникаларининг амалиётига (2023-йил 09-октябрдаги 162-сон буйруғи билан) жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Илмий-техника кенгашининг 2024-йил 15-июлдаги 03/29-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** амалга татбиқ этилган натижалар болаларда постковид бузилишларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш самарадорлигини оширишга, шунингдек, уларнинг оғир асоратлари ривожланишини олдини олишга эришилди, бу касалликнинг салбий оқибатларини ва ногиронликни камайтиришга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** 86 нафар постковид синдроми билан оғриган болаларда ўтказилган реабилитация тадбирлари асосий клиник симптомларни бартараф этиш ва болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун зарур бўлган вақтни қисқартириш имконини берди. Амалга ошириш учун таклиф этилган чора-тадбирлар 86 нафар бемор учун иқтисодий самарадорлигини йилига 233260638 сўмга ошириб, даволаниш муддатини камида 2 баробарга қисқартириш имконини берган. **Хулоса:** постковид синдроми билан касалланган болаларни реабилитация қилиш бўйича тавсия этилган дастурни қўллаш қайталаниш частотасини 2 баравар камайтиришга, касалликнинг енгил кечиши ва болаларнинг ҳаёт сифатини оширишга олиб келди, бу 1 нафар бемор учун йилда 2712333 сўмни тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш эълон қилинган, улардан 11 та мақола, шу жумладан, 7 таси республика ва 4 таси хорижий, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш қисмдан, 7 боб, муҳокамалар, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 178 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долбзарблиги ва талаби асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**COVID-19 нинг болалар саломатлиги ва тиббий-ижтимоий ёрдамига таъсири**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий нашрларда сўнгги 5 йил ичида болаларда COVID-19дан кейинги асоратлар муаммоси бўйича илмий тадқиқотларнинг адабий шарҳини тақдим этади. Бу ерда болаларда ПКС асоратлари ривожланишининг патогенетик механизми батафсил тавсифланган. Бирламчи тиббиёт муассасаларида COVID-19 оқибатларини реабилитация қилиш бўйича маҳаллий ва хорижий

муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинди. ПКС даврида болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни яхшилаш бўйича маълумотлар ҳам тақдим етилди.

Диссертациянинг “**Материаллар ва тадқиқот усуллари**” номли иккинчи бобида клиник материалнинг умумий хусусиятларини, лаборатория ва инструментал тадқиқот усуллари ўз ичига олган маълумотлар тасвирланган.

Тадқиқот олиб борилди ва истиқболли, умумлашган, ҳамда, 4 босқичда ўтказилган параллел гуруҳлар ўртасида қиёсий гуруҳ бўлди:

Биринчи босқичда Тошкент шаҳрининг Мирзо-Улуғбек (ОП-6, n=148), Миробод (ОП-2, n=181), Юнусобод (ОП-52, n=119) туманларидаги 3 та оилавий поликлиника ва Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Марказий кўп тармоқли поликлиникасида (n=145) ретроспектив ўрганишлар олиб борилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида Тошкент шаҳридаги болалар диагностика маркази ва оилавий поликлиникалар негизида амалга оширилди. Охириги 6 ой давомида COVID-19 инфекцияси билан касалланган 253 бола текширилди. Текширувдан ўтганлар орасида пост-Совид синдроми бўлган 166 нафар болалар гуруҳи аниқланди. Олинган маълумотлар натижасида ПКС ривожланишининг олдини олиш усуллари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг учинчи босқичида оилавий шифокорларнинг билим даражасини ва ота-оналарнинг хабардорлигини ўрганиш мисолида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида, ПКС билан касалланган болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни, шунингдек, патронаж фаолиятининг самарадорлиги баҳолашдан иборат бўлди.

Тадқиқотнинг тўртинчи босқичи 166 нафар бола ўртасида ўтказилди, улар орасида COVID-19 вирусли инфекциясидан азият чеккан болаларни комплекс реабилитация қилишнинг таклиф етилаётган усуллари баҳолаш учун кўр-кўрона танлаб олиш усули ёрдамида 2 гуруҳ ажратилди. Асосий гуруҳни COVID-19 вирусли инфекциясидан азият чеккан болаларнинг комплекс реабилитациясидан ўтган ПКС бўлган 86 нафар бола ташкил этди.

Юрак-қон томир тизимининг функционал ҳолати САРДИОВИТ АТ-2 плюс (SCHILLER) термал принтери билан электрокардиографда 12 стандарт йўналишдаги ЭКГ натижаларига кўра амалга оширилди. ЭКГ бола чалқанча ётган ҳолатда тинч ҳолатда қайд этилган.

Эхокардиография (ЭХО-КГ) тинч ҳолатда PhillipsiE33 аппаратида (Нидерландия) юрак патологиясини истисно қилиш ва чап қоринчанинг глобал ва локал қисқарувчанлигини баҳолаш учун касалхонага ётқизилиши билан дарҳол амалга оширилди.

Холтер мониторинги Холтер-ДМС аппарати (Россия) ёрдамида амалга оширилди.

Вегетатив асаб тизими (ВАТ) фаолиятини баҳолаш Кердонинг вегетатив индексини (КВИ) аниқлаш усули бўйича амалга оширилди.

Ташқи нафас олиш функциясини ўрганиш “Спиро-спектр-ПТМ-ЛНГ” аппаратида компютер спирометри томонидан амалга оширилди.

Умумий қон таҳлили: MINDRAY BS-380 гематология анализатори (Хитой) ёрдамида гемоглобин (HGB) даражасини, эритроцитлар,

лимфоцитлар (limfa, %), нейтрофиллар (Neu), лейкоцитлар (LEU), тромбоцитлар (PLT), тромбоцитлар анизацитози, тромбоцит (PCT) ва ESR сонини аниқлаш.

Қон зардободаги умумий кальций (Ca), магний (Mg), темир (F), калий (K), натрий (Na) миқдорини аниқлаш (Колб В. Г., ҳаммуаллифлар билан, 1976) Чехия Республикаси Лаҳем фирмасининг стандарт bio-LA-TEST тўпламлари ёрдамида ишлаб чиқарилган.

Интерлейкин 6 (ИЛ-6), 10 (ИЛ-10) ва Ўсимта некрози омили- α (ФНО- α) tarkibini aniqlash Vector Best reagentlari ТНФа таркибини аниқлаш Вектор Бест реагентлари (Россия) ёрдамида Rayto RT 2100 MicroplateReader (Китай) анализаторида (Хитой) ферментга боғланган иммуносорбент усули ёрдамида амалга оширилди.

Д витамини ID-LC-MS/MS 25-hydrom itam In D Reference Measurement Procedure ички стандартларидан фойдаланган ҳолда 25 OH Vitamin D (CLIA) реагентлари ёрдамида аниқланди.

Гистамин ва диаминооксидаза (ДАО) ферменти фаоллиги HumaReader HS Human (Германия) Histamine ELISA и Human Diamine Oxidase (DAO) ELISA Kit реагентлари ёрдамида баҳоланди.

Реабилитация тадбирлари дастури тиббий бўлмаган терапия, жисмоний (терапевтик гимнастика, терапевтик массаж) реабилитация, ўсимлик дори-дармонлари, озуқавий даволашни ўз ичига олган.

